



## МАВЗУ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАЪНАВИЙ ТАРАҚИЁТНИНГ ОМИЛИ

**Ф. Р. Рахманкулов**

Термиз давлат педагогика институти Фалсафа ва маънавият асослари Кафедраси  
ўқитувчиси

**Резюме:** Ушбу мақола мамлакатимизда маънавий юксалиш жараёнлари ҳақида, маънавий-маърифий соҳага берилаётган эътибор ҳақида қолаверса маънавий тараққиётга эришишида миллий ўзликни англашга алоҳида бериш масаласи кўриб чиқилди. Муаллиф маънавий тараққиёт миллий ўзликни англаш, миллий гурурни мустаҳкамлаш, бу жараёнларга эришишида ёшларга миллий адабиётимизни ўрни ва уларда китобхонликни тарғиб қилиш каби ёндашувларни умумлаштиришига ҳаракат қилди.

**Калит сўзлар:** маънавий юксалиш, миллий гурур, китобхонлик, миллий адабиёт миллий ўзликни англаш, маънавий тараққиёт.

Маънавият ва маърифат барча замонларда тенгсиз қудрат, бахт-саодат, тинчлик, бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик мезони, рухий покланиш ва қалбни юксалтирувчи неъмат бўлиб келган. Чунки у миллатни, халқни, демакки, инсонларни юксак фазилатлар, камолотга йўлловчи ахлоқий мезонлар асосида яшашга, худбинлик, ғафлат асирига айланмай ҳамиша яхшилик йўлида бедор бўлишга, бу оламни обод қилишга, гўзалликка буркашга чорлаган. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўз сиёсатида маънавий юксалишга алоҳида эътибор қаратади. Бежизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавият ҳақида “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”<sup>1</sup>- деб тўхталмаган.

Жамиятда маънавиятни юксалтиришда миллий ўзликни англаш масаласи муҳим рол ўйнайди. Миллий ўзликни англаш масаласида И.Каримов “...инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади”, дея таъкидлаган<sup>2</sup>.

Миллий ўзликни англаш масаласида жаҳон ва ўзбек олимларидан Абельс.Х<sup>3</sup>, Й.Ашкеро<sup>4</sup>, Ф.Фаузуллаев, С.Отмуртов, А.Расулев, Ш.Садуллаев, ўз илмий изланишларини олиб боришган. Саъдулла Отмуротов ўзининг “Глобаллашув ва миллиу-маънавиу ҳавфсизлик” китобида миллиу ўзликка, маънавиуатга, миллиу мустақилликка ўтказилиши мумкин бўлган таҳдидларни чуқур таҳлил қилади.

Миллий ўзликни англаш нима? Миллий ўзликни англаш миллийликка мансуб барча хусусият ва жиҳатларни кўзда тутати. Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашга

<sup>1</sup> Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан нутқ

<sup>2</sup> Каримов.И.А “Юксак маънавият — енгилмас куч”

<sup>3</sup> Интеракция, идентичность, презентация. Введение в интерпретативную социологию. СПб., 2000;

<sup>4</sup> Проблема идентичности у Иммануила Канта



интилиши ва уни кўз қорачиғидек сақлаши миллат учун характерли жиҳатдир. Ўзбек халқи миллат бўлиб шаклланган ва ундан кейинги ижтимоий – иқтисодий жараёнларда юзага келган миллий ўзликка хос белги ва хусусиятлар шароитлар ўзгарганда ҳам миллий ўзликни ташкил этувчи омиллар сифатида сақланиб қолаверади. Чунки ҳар қандай миллат, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам тарихий тараққиёт мобайнида ҳўжалик, ижтимоий, маданий фаолият, фан, адабиёт, санъат ва диний қарашлар соҳасида тўпланган тажрибаларидан фойдаланиш билан бир вақтда, уларни авлоддан – авлодга мерос қолдиради.

Муайян миллатга мансуб инсоннинг ўзини – ўзи англаши миллатнинг ўтмиши, тарихий тараққиёт йўли, насл – насаби, авлоду аجدодларининг ким бўлганлиги, уларнинг жаҳон илм – фани маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини, тутган ўрнини билиб олишдир.<sup>5</sup>

Ўзликни англаш миллий ғурур ҳақида қайғуриш юртимизда мустамлака даврида ҳам бир зумга бўлсада тўхтагани йўқ. Миллат бўлиб шаклланганимиздан буён миллий мафкура йўлида не не зотлар қурбон бўлди. 37-йиллар таъсири остида шаклланган коммунистик мафкура инерцияси 20-асрнинг 80-йилларига қадар давом этди. Айни йилларда мустақиллик учун курашлар фонида миллий тикланиш ва ўзликни англаш учун курашлар ҳам авж олди. Хўш? Натижа кўнгилдагидек бўлдими ва биз нималарга эришдик ва эришяпмиз?

XXI-аср дунёга техника тараққиёти билан бирга ёпирилди. Табиийки эврилишлар авж нуқтасида мафкуравий курашлар ҳам майдонга чиқади. Бугунги кунда худди шу жараёни жаҳон афкор оммаси билан бир қаторда халқимиз ҳам бошдан ўтказмоқда. Оддий мисол йигирма йил олдинги телевидение билан бугунгисини таққосласак салмоқли фарқ кўзга ташланади. Бежизга телевидениедан сўз очмадик чунки телевидение энг катта тарғибот "қурол" и статусига эга. Шундай экан маънавиятимизга ёт салбий таҳдидларга қарши курашда ҳам телевидение зиммасига энг маъсулиятли вазифа юкланади. Бугунги техника асрида ахборот оқимини жиловлашнинг деярли иложи йўқ. Етишиб келаётган авлод маданияти ва маънавиятига назар ташлайдиган бўлсак, қўполроқ таққослаш бўлсада айтиш керакки "кўча" ёшлари ва ўз мафкурасида собит ёшлар гуруҳи юзага қалқиб чикди. Келинг таҳлилни биринчи гуруҳ вакиллари билан бошлай қолайлик. "Кўча" ёшлари орасида оммавий маданият ва миллий анъана ғоялари қоришиқ ҳолда учрайди, худди машҳур реформатор Отатурк Туркияси ёшлари каби. Бунда кўпроқ Ғарбнинг маданияти таъсирини айтиб ўтсак бўлади. Биз очик сиёсат юритар эканмиз, ғарбдан турли мадний урф-одат ва қадриятлар ҳам кириб келади. Табиийки, ҳеч ким Ғарб қадриятларини инкор этиш масаласини кўтармайди. Чунки уларда ҳам умуминсоний қадриятлар бўлиши мумкин. Аммо инсон аввало ўз урф-одатлари ва маданий қадриятларига таяниши керак. Фақат шу ҳолатдагина биз миллий ўзлигинимизни сақлаб қолишимиз мумкин<sup>6</sup>.

Мустаҳкам мафкурасиз, ёт ғоялар таъсирига берилувчан, "адреналин" истагида ўзга юртларга бош олиб кетаётганлар ҳам таассуфки ушбу гуруҳга мансуб. Таҳлиллар натижасида камчиликлар билан бир қаторда, ютуқларимиз ҳам бор. Ёшларимиз орасида жаҳон ареналарида нафақат спорт балки илм-фан ва бошқа жабҳаларда ҳам дунёни лол

<sup>5</sup> Сапаров.Б.Б . Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш алоқадорлиги. ТДИУ конференция материали.

<sup>6</sup> Ф.Раҳманкулов. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АСРАШ МАСАЛАЛАРИ. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(11), 35–39. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7148097>



қолдираётганлари талайгина. Уларнинг ҳар бирининг ютуқлари халқимизнинг тарихдаги меҳнати натижасидир.

Яхудийларда шундай одат бор. Бола талаб қилган нарсани қўлига тутқазадию аммо ўзлари мутлақо унга қизиқиш зоҳир этишмайди. Сабаб, бола ўша нарсанинг муҳим эмаслигини англаб етишига имкон қолдириш. Бу билан нима демоқчимиз, ота она нимага таассуб қилса фарзанд ҳам шу йўлдан боради. Демак ТВ, интернет ва бошқа ахборот оқимларини керакли ўзанга буриш кўпроқ оила зиммасига тушади.

Ҳар бир гуруҳга турфа ракурстан назар ташлаганда иккисининг ҳам ўзига хос "нозик нуқта"лари кўзга ташланади. Бу-албатта мафкуравий бўшлиқ. Бирининг онги кераксиз деталлар билан етарли" бойитилган, иккинчисида заҳира миқдори истаймизми йўқми чўғи пастроқ.

Китобхонлик тарғиботи бугунги кунга келиб жадаллашмоқда. Бироқ тарғибот доирасида эса дуч келган китобни тикиштиравериш ҳам етарли самара бермайди. Грузин халқининг ибрат бўлгулик удуми бор. Янги келиннинг сепида албатта Шота Руставелининг "Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон" достони бўлиши шарт. Ўзликни англашиш йўлида ҳаракатнинг илк босқичини грузинлардан ўрнак олсак арзийди. Боланинг китоб оламига саёҳатини ўз миллий этносимиз ва миллий адабиёт намоёндаларига мурожаатдан бошласак албатта кўзланган маррага деярли машаққатсиз эришамиз. Исботи сифатида шуни келтириш мумкинки ҳар бир грузин Шота Руставелини исталган шедевр асардан юқори қўяди. Бу халқнинг қон қонига синган. Бизнинг халқимиз ҳам қадимийлик жиҳатидан бошқа халқлардан қолишмайди.

Шундай экан Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат каби миллат қайғусида жон чеккан аждодлар меъроси биз учун келажак авлод тарбияси йўлида дастуриламал вазифасини ўташи керак.

Француз классиги Балзакнинг шундай сўзлари бор: "Ўзликка эга бўлмаган миллатни маҳв этиш ёш ниҳолни синдиришдан кўра осонроқ". Бугун мафкура полигонлари бор куч билан ишлаётган бир даврда миллий юксалиш ва ўзликни англаш йўлидаги ҳар бир қадамимиз соғлом фикрли авлодни етиштириб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ўтган асрнинг 20-йилларида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби зиёлиларимиз тилга олиб ўтган маънавий-маърифий жабҳадаги муаммолар ҳозирда ҳам бот бот кўтарилиб келмоқда. Бунинг сабаби шуки маънавий юксалиш масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ўзликни англаган миллат ҳеч қачон ўз халқига тиф кўтармайди. Бунинг келиб чиқмаслиги эса ҳамма ҳолатда ҳам ўзимизга боғлиқ. Ҳар қандай миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан миллий тикланиши қандай ривожланиш йўлидан боришига, қандай мансабларни илгари сурувчи миллий ғоясига ва унинг миллий ўзликни англашга боғлиқ бўлади. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида халқимизнинг миллий ғоясига асосланган ўзига хос хусусиятларини, миллатнинг урф-одат ва қадриятларини ривожлантириш ва миллий ўзликни янада теранроқ англашларига кенг имкониятлар яратилган. Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устивор йўналиши "Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш" деб номланганлиги, ушбу муҳим ҳужжатда маънавий таррақиётга алоҳида эътибор берилганлиги, мамлакатимизда маънавий тараққиёт, миллий ўзликни англаш масаласи сиёсат даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони
2. Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан нутқ. 2021 йил
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: Ўзбекистон, 2017 й. Б.126.
4. Каримов.И.А “Юксак маънавият — енгилмас куч” Т-2008 йил
5. Сапаров.Б. Б. Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш алоқадорлиги. ТДИУ конференция материаллари.
6. Интеракция, идентичность, презентация. Введение в интерпретативную социологию. СПб., 2000;
7. Проблема идентичности у Иммануила Канта
8. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий – сиёсий жараёнлар. – Т.: Академия, 2013.-Б.67
9. Ф.Раҳманкулов. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АСРАШ МАСАЛАЛАРИ. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(11), 35–39. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7148097>